

Ислом КАРИМОВ:

БИЗ ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ФАҚАТГИНА ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК  
БИЛАНГИНА ЭМАС, ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ, ДЕМОКРАТИК ВА  
ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ КИШИЛАР ОНГИДА НЕЧОҒЛИК  
ЧУҚУР ИЛДИЗ ОТГАНИ БИЛАН БАҲОЛАЙМИЗ.

# ЎЗБЕК ИСТОРИИ

## VOZI

ЎЗБЕК ИСТОРТИ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЙОСИ-ИЖТИМОЙ ГАЗЕТАСИ □ ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ЙУНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2000 ЙИЛ □ 4 ИЮЛЬ □ СЕШАНБА  
№ 75 (26625)



## ЯНГИ АСРГА ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ БИЛАН

**Икки палатали парламент қандай бўлиши керак, куйи ва юқори палаталар ўртасидаги муносабатлар нимага асосланган, янги парламентга қимлар сайланади, деган саволлар Конрад Аденауэр фонди ҳамда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари ва журналистларни қайта тайёрлаш халқаро Маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Парламент ислохотлари — фуқаролик жамияти тараққиётида муҳим қадам» мавзусидаги давра суҳбати иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.**

— Ўзбекистонда 1994 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Конрад Аденауэр фонди мамлакатда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришга кўмак бериб келаётган, — деди мазкур фонднинг Ўзбекистондаги ҳудудий вакили Вольфганг Шрайбер. — Бугунги давра суҳбати ҳам юртингизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг Олий Мажлис тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни Германия ва бошқа давлатларда бўлган сингари профессионал асосда ишлайдиган икки палатали парламентга айлантириш ва бу борада нимага эътибор қаратиш кераклиги ҳу-

сусида фикр-мулоҳазаларини билишга бағишланган. — Бундай анжуманлар мамлакатимизда кетаётган демократик жараёнларда сиёсий партияларнинг тутган ролинини оширади, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби Аслиддин Рустамов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Ана шундай жараёнлардан бири Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган икки палатали парламент тизимини яратиш тўғрисида. Партиямиз ушбу таклифни қўллаб-қувватлайди, чунки бундай парламентнинг яратилиши қонунийликнинг мукаммал

бўлишига замин яратди. Фикрмча, бу ишга биз катта тайёрлик билан, босқичма-босқич киришимиз керак. Ушбу учрашув ҳам бошқа сиёсий партияларнинг вакиллари билан биргаликда икки палатали парламент барпо этиш ва бу борадаги ҳаёот тажрибасини ўрганишга доир масалаларни муҳокама этиш имконини беради.

— Куйи палата — Олий Мажлис ва юқори палата — Олий Кенгашдан иборат бўладиган янги парламентни тузиш учун унинг қонуний асосларини ишлаб чиқиш, палаталар ваколатларини ва ўзаро ҳамкорлик механизмларини аниқ-равшан белгилаш керак бўлади, деб таъкидлади «Миллий тикланиш» партиясининг биринчи котиби Иброҳим Ғофуров. — Куйи палатанинг сиёсий партиялар ва мустақил гуруҳ вакилларидан ташкил топиши эса сифат ва мазмун жиҳатдан янги парламентга асос солади.

— Парламентчилик амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, бу

борада биз Буюк Британия, Германия, Россия парламентлари қонуни яратиш жараёнларининг ижобий томонларини олишимиз зарур, — деди «Фидокорлар» партиясининг биринчи котиби Ахтам Турсунов. — Бундан ташқари, палаталар ўртасидаги муносабатлар қандай бўлади, борди-ю улар ўртасида қонуний юзасидан келишмовчиликлар келиб чиқса-чи? Ана шунларни ҳисобга олган ҳолда биз Келишув комиссияси тузиш масаласини ўртага қўймоқчимиз. Шунингдек, бу борада қатор семинарлар ўтказишни ҳам режалаштирдик.

Мамлакатимизда икки палатали парламент яратилиши қонунийлигини мустақамлашга ёрдам бериб, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидаги сазой-ҳаракатларимиз амалий самаралар бераётганини дунё аҳлига яна бир қарра намоеъи этиди, деб ўйлайман, — деди пиروвардлик А. Турсунов.

□ «Туркистон-пресс»

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

2-3 июль кунлари Қирғизистон ташқи ишлар вазири Муродбек Имоналиев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Меҳмон Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазирилар Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқароларининг ўзаро борди-келдиси тўғрисидаги ҳуқуқатларо битимга имзо чекди.

□ (ЎЗА)

## Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 4 июдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, бажасона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма наисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*

|                         |        |
|-------------------------|--------|
| 1 Австралия доллари     | 156,33 |
| 1 Австрия шиллинги      | 18,06  |
| 1 Англия фунт стерлинги | 395,71 |
| 10 Бельгия франки       | 61,61  |
| 1 Голландия гульден     | 112,79 |
| 10 Греция драхмаси      | 7,38   |
| 1 Дания кронаси         | 33,32  |
| 1 БАА дирҳами           | 70,95  |
| 1 АҚШ доллари           | 260,59 |
| 1 Миср фунти            | 75,04  |
| 10 Испания песети       | 14,94  |
| 100 Италия лираси       | 12,84  |
| 1 Канада доллари        | 176,06 |
| 1 Хитой юани            | 31,48  |
| 10 Люксембург франки    | 61,61  |
| 1 Малайзия ринггити     | 68,59  |
| 1 Германия маркиси      | 127,08 |
| 1 Польша злотийси       | 59,91  |
| 1 СДР                   | 348,48 |
| 1000 Туркия лираси      | 0,42   |
| 1 Финляндия маркиси     | 41,80  |
| 1 Франция франки        | 37,89  |
| 1 Швейцария франки      | 159,62 |
| 1 ЕВРО                  | 248,55 |
| 10 Жанубий Корея вони   | 2,34   |
| 10 Япония иенаси        | 24,60  |
| 1 Россия рубли          | 9,29   |
| 1 Украина гривнаси      | 47,92  |

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## БУ ДУНИНИНГ ИШЛАРИ

### МУСТАҚИЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛИШМОҚДА

Юзлаб фаластинликлар Ёсир Арафотнинг Ғазо секторидаги расмий қароргоҳи яқинида тўпланиб, Фаластин озодлиқ ташкилоти ижроя кўмитасининг бу ерда ўтказилаётган йиғилиши иштирокчиларидан зудлик билан Фаластинни мустақил давлат, деб эълон қилишни талаб этмоқда. Бирок анжуманда қатнашаётганлар ҳали бу борада ҳужайи бир қарорга кела олгани йўқ, Сабаби Фаластин мустақиллигининг бир томонлама эълон қилиниши минтақадаги шундай ҳам кескин вазиятни янада чигаллаштириб юбориши мумкин.

### КЕМАДА КОКАИН

АҚШнинг соҳилни қўриқлаш хизмати ходимлари Кариб денгизда Панама байроғи остида сузаётган кемадан 1,4 тонна кокаин тоғиб олди. Хизмат вакилининг айтишича, кема Испанияга қараб йўл олган экан. 14 кишилик экипажнинг 10 аъзоси Украина фуқароси бўлиб чиққан. Мусодара қилинган наркотик модданинг чайқовдаги баҳоси 100 миллион АҚШ доллариға тенг.

### РАКЕТАЛАР ЯРАТИШДА КЎМАК БЕРМОҚДА

АҚШ разведкаси маълумотларига қараганда, Хитой Покистонга узоқ масофага учадиган ракета яратишда кўмак беришни давом эттирмоқда. «Вашингтон таймс» газетасида шу мавзуга бағишлаб эълон қилинган мақолада таъкидланишича, Хитой Покистонга ракетанинг тайёр деталларини етказиб беришга чек қўйган бўлса-да, унга махсус материаллар юборишни тўхтатгани йўқ. Мақолада Хитой ядро курули ва ракета технологиясини тарқатмаслик бўйича сезиларли ишлар қилаётгани ҳам тан олинган.

### ИСЁНЧИЛАРДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

Ангола армияси қисмлари 21 йилдан ортиқ вақт давомида УНИТА исёнчилари назоратида бўлган Куэмба туманини озод қилди. Бу туман узоқ йиллар давомида исёнчиларнинг асосий таянч нуқталаридан бири бўлиб келган эди. Ҳуқуқат қўшинларининг муваффақияти УНИТАнинг ҳарбий қудрати сувайи бораётганидан дарак беради.

### ТАКЛИФНИ РАД ЭТИШДИ

Яқинда Зимбабведа бўлиб ўтган парламент сайловида муваффақиятли иштирок этган муҳолифатдаги Демократик ўзгаришлар ҳаракати мамлакат президенти Роберт Мугабенининг коалицион ҳуқуқат тузиш тўғрисидаги таклифини рад этди. Ҳаракат етакчиси Морган Цвангираининг айтишича, ҳуқуқат партия муҳолифат вакиллариға турли вазирилариға раҳбарлик қилишни таклиф этиб, улар ўртасида низо чикаришни кўзламоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқат муҳолифлари ўз сафиға қўшиш орқали мамлакатға хориждан молиявий ёрдам жалб қилишни ният қилган.

### БОМБАРДИМОН ҚИЛИШДИ

Филиппин ҳарбий-ҳаво кучлариға қарашли самолётлар Моро озодлик fronti айирмачиларининг мамлакат жанубидаги қароргоҳини бомбардимон қилди. Ҳабарларға қараганда, ҳуқуқат қўшинлари исёнчиларнинг сўнги қароргоҳи бўлиб «Абу Бакр»ни ўтган ҳафтадан буён тўла қамал қилиб турибди. Самолётларнинг мазкур зарбаси айирмачилар ҳуқуқат билан тинчлик битими имзолашдан бош торган тақдирда, қўшинларининг бу базаға ялпи ҳужуми бошланишидан дарак беради.

□ (ЎЗА)



Владимир ПАНОВ олган сурат

## ПОЙТАХТ МАНЗАРАЛАРИ

«ҒАЛЛА — 2000»

### ФАРҒОНАЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Фарғона деҳқонлари учун бу йил омалди бошланди. Йил буйи қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Ғаллакорлар 98 минг гектар ердан мўл ҳосили етиштирдилар. Ҳозирғача 90 минг 614 гектар майдондаги ғалла сифатли ўриб олиниб, ҳар гектар ердан 34 центнердан, жами 305 минг 152 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Унинг 266 минг 200 тоннаси давлатга сотилиб, шартнома режаси адо этилди. Олтириқ, Учқўприк, Кува, Ёзёвон, Бувайда, Охунбобоев, Ритшон туманлари деҳқонлари ғаллачиликда яхши натижаларга эришдилар. Бу муваффақиятларға деҳқончиликда илғор агротехниканинг қўлланиши, ишонли самарали ташкил этилганлиги туфайли эришилди. Вилоятда 55-60 центнерга етказиб дон ҳосили олган бригадирлар, ижарачилар кўп. Ёзёвон туманидаги «Иқбол», «Олмос», Кува туманидаги «Миркомил», «Қосим Карвон» каби фермер хўжаликлариде ҳосилдорлик ҳар гектар ердан 65-70 центнерга етказилганлиги вилоят ғаллачиликдаги улкан имкониятлар ва истиқболдан дарак беради. Вилоят бугдойзорларида ўрим давом этипти. Ғаллакорлар давлат хирмонига қўшимча яна 15 минг тонна дон сотишға аҳд қилганлар.

□ Алишер ИБОДИНОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мамлакат дон мустақиллигиға муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қашқадарё вилоти ғаллакорлари бу йил жиҳдий синовдан ўтмоқдалар. Сув тақчиллигидан минглаб гектар майдонлардаги экин қуриб кетди. Ана шундай шароитда ҳам Шаҳрисабз тумани деҳқонлари мўл ҳосил етиштирдилар. Жами 7 минг гектар сувли майдондаги ғаллазордаги меҳнат, илғор тажрибани бир сўз билан ифодалаш қийин. Шаҳрисабзлик ғаллакорлар вилоятда биринчи бўлиб, дон сотиш шартномасини бажардилар. Етказиб берилган 18 минг 700 тонна доннинг 3700 тоннаси урулдиқлар. Ҳосилдорлик 36 центнердан тўшмоқда. Б.Фозилов номили хўжаликда бу кўрсаткич 51 центнерга етди. Шу хўжалиқнинг О.Худойбердиев, А.Темур номили хўжалиқнинг М.Содиқов, П.

Шербобоев номили хўжалиқнинг И.Хушвақтов, «Ўзбекистон» хўжалиқининг А.Имомов, Улўғбек номили хўжалиқининг Г.Қобилизов бошлақ ижарачилари ҳар гектар ердан 57-71 центнердан ошариб ҳосил йиғиб олинди. Туманда айна пайтада қолган минг гектар майдондаги ғалла ўрими давом этмоқда. Ери туташ, деҳқончилик маданияти ўхшаш Китоб тумани ғаллакорлари ҳам зафар кўчдилар. 5100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олинди. Мулжалдаги 15130 тонна дон топширилиб, шартнома режаси адо этилди. Бу хирмонга «Китоб», «Навбахор», Улўғбек номили, Қаромат Рустамова номили хўжалиқлар деҳқонлари муносиб улуш қўшилди.

□ Юнус УЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири

### ЧИНОЗДА БИТУМ ЗАВОДИ

Тошкент вилоти йўлсозлари ўзларини анча йиллардан буён қўйиб келаётган муаммолар ечимини топдилар. Уларға асфальт-бетон қопламали йўллар бунёд этишлари учун ёпишқоқ битум мойи етишмасди. Қандай бўлмасин анча шундай маҳсулотни мамлакатимизда мажзуд хомашедан тайёрлаш, кам маблағ сарф қилиб сифатли битум олишға эришиш зарур эди.

Сурхондарё вилотиининг Жарқўрғон туманида бирламчи нефть хомашеси захирасининг мажзудлиги янги қурилма яратиш, уни амалиётда қўллаш лозимлигини тақозо этди. Вилотиининг Чиноз туманида қад ростилаган, йилға 40 минг тонна битум мойи тайёрлаш қувватига эға бўлган янги завод йўлсозлар томонидан ҳозирда қувончли воқеа сифатида эйтироф этилмоқда, — деб ёзади Салим СОҲИБЖОНОВ

### СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Оснб бюроси ташаббусиға қўра Гулистонда «Ўзбекистонни барқарор иқтисодий ва экологик ривожлантириш соҳасида жамоатчилик ҳамкорлигини чуқурлаштириш» мавзусида семинар иш бошлади. Семинар дастурда иқтисодийёт ва биология муаммолари бўйича мутахассислар маърузалари тингланади, унда қатнашаётган ишбилармонлар, тижорат банклари ходимлари, давлат муассасалари ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ўзлари қизиқтирган муаммолар бўйича фикр алмашади. Семинар иши беш кун давом этиди.

□ (ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

Йўллар равои бўлади

Янгийўл автомобиль йўллари бошқармасига қарашли қорхона таъмир...

Халқ ижодиёти музейи

Бахмал тумани марказида, айни саратонда ҳам қор...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

Одамбой шахарга борадиган бўлди. Уни қўйинг, буни қўйинг — шахарга бориш...

Одамбойнинг Шойимбойга нима деганини ҳеч ким билолмаганиди...

ОДАМ

— Кечирасиз-у... шунақасиям бўларкан, ҳар ким ҳар насага иштиёқманд бўлади...

икки магазинга кириб чиққандим. Тўғри, мактабда байроқ бор, лекин у мактабники...

Шойим муаллим сўнгги гапларини бир оз қизиқиброқ, қўлини паҳса қилиб гапирган...

нари борса муаллим «янги чиққан шишаси чиройли яримталикдан иккигасини олиб келинг...

Хотини Момохолнинг «Шу Шойим укангиз галаги-да, бутун қишлоқ бир томону, у киши бир томон, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган гапларни ўйлаб юради...

Автобус кенг бетон йўлда чиқиб олган, йўловчиларнинг қайси бири хуррак отар, қайси бири ёнидаги шеригига зўр бериб гап уқтиради...

Дераздан ташқарини томоша қилиб бораётган Одамбой Шойим муаллимнинг эслаб мийғида қўлиб боради...



«ЕВРО — 2000» АСРИМИЗНИНГ СЎНГИ ЧЕМПИОНИ

Қарийб бир ой давом этган катта футбол — Европа чемпионати якунланди...

Қарийб бир ой давом этган катта футбол — Европа чемпионати якунланди...



Андижон ахлининг кўнгида қувонч. Омбору бордонлар бугдойга тўлди. Давлатга 244400 тоннадан кўпроқ дон сотилиб шартнома режаси ошириб бажарилди...



Болиқда ўқиган гаройиб эртакларнинг бирида ҳикоя қилинган Дев ўз мақсадига эришиши учун бир кечада қаср қуриб...

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ МАБЛАГ ЧЎНТАҚДАН ЧИҚМАСА-ДА, АЛАМ ҚИЛАРКАН — Бизни жуда кўп муаммо қўйяпти, — дейди Муталовнинг кўли-қалити очилиб...

дейти Абдуқодир Муталов. — Бу ерда ҳатто ирригация тармоқлари охирига етказилмаган. Ёмғир ёғса, бозорчада кўл ҳосил бўлиб қолиши ҳеч гап эмас...

ЕРДА СОТАДИГАНЛАРНИ ХАРИДОР ДЕХҚОН, ДЕБ ЎЙЛАЙДИ «Бешёғоч» бозорининг Чилонзор метро бекати бўлинигига кириб...


БОЗОРДАГИ «БУЗ» ВА «ҚУР»

ёки Чилонзор тумани ҳокими Шавкат Қосимовнинг «Бешёғоч» бозориде қилаётган ишларидан одамлар нега норози?

ПУЛИ АВВАЛ ЙИГИЛГАН «ПАТТА» Бўлима бошлиғи Абдуқодир Муталов билан гуруч растасидамиз. Соат 14.15 бўлишига қарамай, жой патталарини сотувчилар олишмаган...

турган дўкон ва ошхоналар олиб ташланиши керак. Лекин бу биноларнинг эгаларини ҳам тушиниш керак. Улар ҳам қанча маблағ сарф этишган...

ЯНА БИР «ВАЖ» ЧИППАККА ЧИҚДИ — Бозор бўлгандан сўнг олдиде дарвозаси бўлиш керак —



БОЗОР БИР КҮНЛИК ЭМАС Пул жигардан яралади, дейишди. Шундай экан, нега Чилонзор тумани худуди бозорларида тадбиркорлар бунёд этишган савдо ва машиқ бинолар уч-тўрт қилинган «қур» ва «буз» «фармойиши»дан топалайтир?

УЧ МИНГ ТУРЛИК МАХСУЛОТ ВА УЧ МИНГ СЎМЛИК САВДО Маъзулми, бундан уч-тўрт йил бурун «Бешёғоч» бозориде кенг қўлдамга катта ишлар қилинганлиги ҳақида матбуотда жория қилинган эди...



